

## СУГУРТА ИШИ

- I. **Маврулова.** Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларидан бойдаланиш масалалари ..... 80

## КИЧИК БИЗНЕС

- II. **Фойишазаров.** Кичик бизнес корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш изимини такомиллаштириш масалалари ..... 85

## МЕНЕЖМЕНТ

- V. **Нурманов.** Дебиторлик қарзларни бошқариш ..... 90  
 O. **Мирзаев.** Корхоналар дебиторлик қарзларини бошқариш масалалари ..... 94

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

- B. **Маматов, Ф. Мирхакимов.** Инвестицион салоҳият ва унинг омиллари ..... 99  
 III. **Аллаярров.** Агросаноат мажмуаларига инвестицияларни жалб этишнинг назарий жиҳатлари ..... 103

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ

- M. **Раҳимов.** Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобидаги муаммоли жиҳатлар ..... 108  
 K. **Мирзаев.** Агросервисни молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлаш механизмларини такомиллаштириш ..... 113  
 M. **Аганиязова.** Меҳнат бозорида ишчи кучи сифат кўрсаткичларини оширишнинг асосий жиҳатлари ..... 118

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

- Sh. **Safarov, A. Jurayev.** Japanese monetary outlook ..... 122  
 H. **Каримов У. Дускобилов.** Хитой иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари ва унга таъсир этувчи омиллар ..... 132  
 X. **Хаджаев.** Жаҳон иқтисодиётининг инқироздан кейинги ривожланиш тенденцияси ..... 138  
 Муаллифларимиз ..... 143

Мақо  
цепциялар  
тириш м  
меҳнат у  
Ўзбекист  
ал салоҳи  
айниқса,  
Таянч  
омили, ин  
ўзбек мод  
созликни  
ал салоҳи  
сақлаш т

В ста  
страны, в  
ного поте  
ния здоро  
модель ре  
ций и ос  
Ключ  
веческий  
тия лич  
науки, у  
модель м  
альные с  
вье чело

In art  
ment of t  
oportment i  
improvement  
the devel  
ticularly  
Key  
tor, huma  
ities, uzb  
of the pu  
tial, rece  
tem of th



# МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

ISSN 2010-9601

1  
2014



ТОШКЕНТ

У. Нурманов

## ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРНИ БОШҚАРИШ

Мақолада хўжалик субъектларида дебиторлик қарзларининг назарий асослари, самарали бошқариш масалалари, қўллаш соҳалари бўйича ҳолатлар таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, даромад ва харажатлар, ҳисоб-китоб, хўжалик субъекти, жорий дебиторлик қарз, дебиторлик қарзлар динамикаси, бошқарув қарорлари, қарзларни ундириш, тўлов лаёқати, ўзаро шартнома, корхоналар фаолиятини баҳолаш.

*В статье анализируются теоретические основы дебиторской задолженности хозяйствующих субъектов, задачи ее эффективного управления, а также определение дебиторской задолженности по сферам применения.*

**Ключевые слова:** дебиторская и кредиторская задолженности, доходы и расходы, расчет, хозяйствующий субъект, текущая дебиторская задолженность, динамика дебиторской задолженности, управленческие решения, взывание задолженности, платежеспособность, совместный договор, оценка деятельности предприятия.

*In article theoretical bases of a debt receivable of managing subjects, problems of its efficient control, and as debt receivable definition on scopes of application are considered.*

**Key words:** debtor and creditor debts, incomes and charges, the calculation, the managing subject, current debtor debts, dynamics debtor debts, administrative decisions, collecting of debts, solvency, the joint contract, an estimation of activity of the enterprise.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида дебиторлик қарзларни бошқариш масалалари жорий активларнинг муҳим таркибий қисми сифатида илмий тадқиқотларда кам ўрганилган. Дебиторлик қарзларнинг мавжудлиги хўжалик субъектининг молиявий бошқарувидаги салбий ҳолатлар сифатида баҳолаб келинган.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бевосита хўжалик субъекти билан қарши томон ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар хўжалик субъекти билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар ўртасидаги муносабатларда, хўжалик субъекти билан банк ташкилотлар ўртасида, хўжалик субъекти билан солиқ органлари ўртасидаги, хўжалик субъекти билан ижтимоий таъминот бўлимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунингдек ходимлар, мулк эгалари, акциядорлар ва инвесторлар билан бўладиган муносабатларда юзага келади. Уларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб-китобларда вақтнинг ўзгарувчанлигидир. Яъни бугун ортилган маҳсулот ҳам пули тўлангунга қадар дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қаторига киритилади. Бунда даромад ва харажатларнинг юзага чиқиши билан уларнинг ҳисоб-китоблари ўртасида фарқ пайдо бўлади.

Хўжалик субъектларида жорий дебиторлик қарзларни ўрганишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– жорий дебиторлик қарзлар таркиби ва динамикасини ўрганиш;

– дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш ва баҳолаш;

– жорий дебиторлик қарзларнинг мақбул ҳолга келтиришни тартибга солиш бўйича тегишли бошқарув қарорларини тайёрлаш;

– жорий дебиторлик қарзларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва қарздорликни камайтириш йўллари кўрсатиб бериш;

– дебиторлик қарзларни юзага келиш муддатлари бўйича таснифлаш ва уларни ундирилишига баҳо бериш ва бошқалар.

Жорий дебиторлик қарзларнинг юзага келиши бўйича қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин:

– ўзаро ҳисоб-китобларда томонларнинг тўлов лаёқати эга эмаслиги;  
– товарларни ортиб жўнатиш ва сотишда ҳисоб-китобларнинг замонавий шакллари чекланганлиги;

– мулк ва унга эгалик қилишда масъуллик ҳиссининг йўқлиги;

– ўзаро шартномавий муносабатларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;

– даромадларни тан олиш юзасидан корхоналар тармоқ хусусиятидан келиб чиқилмаганлиги;

– кредит ташкилотлари билан мижоз ўртасида бўладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликлар;

– суғурта ташкилотлари билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда қатъий давлат қонунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва бошқа сабабларни киритиш мумкин.

Оқорида келтирилганидек, хўжалик субъектида жорий дебиторлик қарзларнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳисоб-китобларда тўловлар муддатининг ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб қолишидир. Бунда дебиторлик қарзларнинг юзага чиқишига ҳар қандай ҳолда ҳам йўл қўйилади. Агарда маҳсулотлар ортиб жўнатиш орқали сотиладиган бўлса, бунда тўловлар амалга ошиш санасига қадар, агарда товарлар пулини олдиндан тўлаш асосида сотиладиган бўлса, бунда ҳам товарларни жўнатиш санасига қадар мажбурийат, қарз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда хўжалик субъектларида дебиторлик қарзларни юзага чиқиш давлари бўйича қуйидаги кўринишда таснифлаш мумкин (1-чизма).

1-чизма

**Хўжалик субъектларида дебиторлик қарзларни келиб чиқиш муддати бўйича таснифи\***



\* Муаллиф томонидан тузилган.

Дебиторлик қарзлар бўйича ҳисобот-маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасига тузилади ва тегишли ташкилотларга топширилади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳар чорақда тузиладиган корхона активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳолати тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерия балансида акс эттирилади.

Дебиторлик қарзларни ҳисобга олиш ва ўрганишнинг асосий мақсади бўлиб дебиторлик қарзларни бошқаришдаги услубий ёндошувларни ривожлантириш, дебиторлик қарзларнинг бошқарув самарадорлигини оширишга йўналтирилган услубий йўриқномалар ишлаб чиқиш учун хорижий ва мамлакат хўжалик субъектларида ушбу активларни бошқариш амалиётини умумлаштириш ҳисобланади.

Молиявий маблағларни бошқаришда, хусусан, дебиторлик қарзларни бошқаришда биринчи навбатда бошқарув объектларининг ўзини аниқлаштириш талаб этилади. Кўпгина мутахассислар дебиторлик қарзларни аниқлашда иқтисодий, бухгалтерия ва ҳуқуқий доираларга боғлиқ ҳолда ўрганишга эътибор қаратишган. Мазкур тамойиллар асосида аниқланган дебиторлик қарзлар ва ўзига хос хусусиятлари қуйидаги 2-чизмада ўз ифодасини топган.

2-чизма

**Хўжалик субъектларида дебиторлик қарзларни қўллаш соҳалари бўйича аниқлаш\***




\* Муаллиф томонидан тузилган.

Ривожланган мамлакатларнинг аксарият иқтисодчи-олимлари дебиторлик қарзларни бошқариш тизимининг мақсадга мувофиқ йўналтирилган муҳим элементларини таклиф этадилар. Улар томонидан дебиторлик қарзларни бошқаришнинг аниқ тартиби тавсия этилган.

Бизнингча, тавсия этилган бундай тартиб дебиторлик қарзларни самарали бошқариш имконини бермайди. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, жаҳон амалиётининг муҳим жиҳатларини умумлаштирган ҳолда дебиторлик қарзларини бошқариш тартибининг илмий асосланган шакли куйидаги 3-чизмада тавсия этилади:

3-чизма

**Хўжалик субъектлари дебиторлик қарзларини самарали бошқариш тартиби\***



\* Муаллиф томонидан тузилган.

Дебиторлик қарзларни ундириб олиш муддати 3 ой ёки 90 календарь кун қилиб белгиланган. Ушбу муддатдан сўнг дебиторлик қарзлар назоратга олинади ҳамда уларнинг ҳолати бўйича давлат қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик субъектларининг дебиторлик қарзларига баҳо беришда уларни баланс ҳолатига келтириб ўрганиш ҳам мумкин бўлади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси улар орасидаги ўзаро тенглик нисбатни тавсифлайди. Бунда дебиторлик мажбуриятларининг кредиторлик мажбуриятларидан ортиб кетиши ёки аксинча ҳолатлари ифодаланади. Баланс маълумотларидан дебиторлик ва кредиторлик қарзлар таркибини ўрганиш фирма ва компанияларнинг қандай турли хил ташкилотлар билан иқтисодий алоқадалиги, томонларнинг ўзаро тўлов шартномаларини бажаришга муносабати ва қарз миқдорини таҳлил қилиш имконини беради. Айниқса дебитор ва кредитор мажбуриятлар таркибида гумон қарзларнинг борлиги, ундирилиши мураккаб бўлган дебиторларнинг